

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
BAZIPAP APXKAMACINING  
Қ A P O P И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 май 2018 й. г. № 322

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар  
ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга  
олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида**

“Ички ишлар органлари тўғрисида” ва “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш учун статистика маълумотлари ягона тизимини янада такомиллаштириш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахслар (кейинги ўринларда жабрланувчилар деб аталади) бўйича тизимли таҳлил ўтказиш ва уларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобини юритиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритиш юзасидан масъул орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат персоналлаштириш маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда ягона марказлаштирилган ахборот тизими деб аталади) жорий этишга доир чора-тадбирлар режасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳисобга олиш ахборот тизимининг қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилишини таъминласин:

ягона марказлаштирилган ахборот тизимига маълумотлар онлайн режимида, “Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими” орқали киритилиши;

махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган ҳуқуқбузарликлар ягона марказлаштирилган ахборот тизимига электрон компьютер тармоғи орқали тақдим этилиши;

маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ҳамда зарур ахборот олиш учун электрон тартибда масофадан туриб фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилиши;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жаримага тортиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг ундирилган жарима тўловларини автоматлаштирилган тарзда биллинг тизими ёрдамида ягона марказлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилиш механизми ишлаб чиқилиши ва тажриба тестидан ўтказиш орқали босқичма-босқич жорий этилиши;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар ягона марказлаштирилган ахборот тизими электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда идентификациялаш тизими орқали юритилиши;

электрон рақамли имзо воситаларини ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаш тизими жорий этилиши;

юкланган вазифаларнинг ҳажмига кўра, маълумотларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритишга масъул бўлинмаларнинг ташкилий-штат тўзилмаси қайта кўриб чиқилиши;

ягона марказлаштирилган ахборот тизимини тажриба тестидан ўтказишни жорий этишга доир ташкилий тадбирларни амалга ошириш яқунларига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича икки ой муддатда таклифлар киритиш.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органлар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг ҳисоби ушбу қарор билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ юритилишини ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига белгиланган муддатларда тақдим этилишини таъминласин.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органларнинг махсус жамғармаси маблағлари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг ягона марказлаштирилган ҳисобга олиш ахборот тизимини ривожлантириш ва жорий этиш тадбирларини молиялаштириш манбаи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига (П.Р. Бобожонов) юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 3 майдаги 322 -сон қарорига  
1-илова

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик  
йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни  
марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилган шахсларни (кейинги ўринларда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар деб аталади) марказлаштирилган ҳисобга олиш тартибини белгилайди.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни ягона марказлаштирилган ахборот тизимида жамлаш, ишлаш, умумлаштириш, сақлаш, таҳлил қилиш ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш, шунингдек, уларни давлат органларига тақдим этиш ҳисобга олишнинг асосий вазибалари ҳисобланади.

3. Қуйидагилар ҳисобга олишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

қонунийлик;

ахборотнинг холислиги, ишончлилиги ва таққосланувчанлиги;

ахборотдан ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган доирада фойдаланилиши ва уларнинг ошқоралиги;

ҳисобга олишнинг мажбурийлиги ва бир хиллиги.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**маълумотларнинг идоравий базаси** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги ваколатли органлар барча бўлинмаларининг (туман, шаҳар, вилоят, республика бўғинининг) қарорлари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлган маълумотларнинг идоравий электрон базаси;

**маълумотларнинг ҳудудий базаси** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча ваколатли органларнинг қарорлари асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги ахборот мавжуд бўлган маълумотларнинг ҳудудий электрон базаси;

**ягона марказлаштирилган ахборот тизими** – республика бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган электрон базаси;

**ваколатли органлар** – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан иш юритиш ва тегишли жазо чораларини қўллаш ваколатига эга бўлган давлат органлари;

**ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмаси** – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят бўғинининг ваколатли таркибий тузилмаси;

**хос рақам** – ягона марказлаштирилган ахборот тизими томонидан маъмурий баённома рақамига боғлиқ бўлмаган, маъмурий жазога тортилган шахсга нисбатан ахборот тизимига киритилган қарорга бериладиган идентификациялаш рақами;

**биллинг тизими** – маъмурий жазо чорасига тортилган шахсларга нисбатан ундирилган ёки тўланган жарима йиғимларини (суммаларини) автоматлаштирилган электрон тўлов тизимлари орқали ҳисобга олиш тизими;

**талабнома** – тегишли ваколатли органларнинг ёзма талабига биноан шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маъмурий жавобгарликка тортилган ёки тортилмаганлиги ҳақидаги маълумотларни сўраш учун белгиланган шаклдаги расмий ҳужжат.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг марказлаштирилган ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ягона марказлаштирилган ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

6. Ягона марказлаштирилган ахборот тизими, маълумотларнинг ҳудудий ва идоравий базалари чекланган ҳолда фойдаланиладиган ахборот ресурслари ҳисобланади.

7. Ягона марказлаштирилган ахборот тизими маълумотларнинг ҳудудий базалари асосида шакллантирилади.

Маълумотларнинг ҳудудий базалари маълумотларнинг идоравий базалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари томонидан (кейинги ўринларда ички ишлар органлари деб аталади) шакллантирилади.

8. Маълумотларнинг идоравий базалари ҳисобга олиш ҳужжатлари асосида ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан шакллантирилади.

9. Қуйидагилар ҳисобга олиш ҳужжатлари ҳисобланади:

ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳисобга олиш карточкаси (кейинги ўринларда 1-шаклдаги карточка деб аталади);

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган (баённома тузилмасдан) шахсларни ҳисобга олиш карточкаси (кейинги ўринларда 2-шаклдаги карточка деб аталади);

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича жабрланувчи шахсларни ҳисобга олиш карточкаси (кейинги ўринларда 3-шаклдаги карточка деб аталади);

ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича маъмурий жазони қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш ҳақидаги билдиришнома (кейинги ўринларда билдиришнома деб аталади).

10. Ҳисобга олиш ҳужжатлари ва маълумотлар базалари давлат тилида юритилади.

11. Ҳисобга олиш ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади. Ҳисоб карточкаларнинг реквизитларини тўлдириш мажбурийлигини кўрсатувчи намунавий шаклларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда амалга оширилади.

12. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг қарорлари асосида маъмурий жазога тортилган шахслар ички ишлар органлари томонидан ҳисобга олинади.

## **2-боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш ҳужжатларини тақдим этиш тартиби**

13. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли органларнинг (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) барча бўғинлари (туман, шаҳар, вилоят, республика) ушбу Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда карточкалар ва билдиришномаларни ушбу ваколатли органнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига тақдим этадилар.

14. Маъмурий жазони қўллаш тўғрисида қарор (ажрим) чиқарилган ёки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 283-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда жарима солинган шахслар ҳисобга олинади.

15. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган ҳуқуқбузарликлар учун карточка тўлдирилмайди, лекин маълумотлар электрон алоқа тармоғи орқали онлайн режимида ягона марказлаштирилган ахборот тизимига тақдим этилади.

16. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кўриб чиқилган ёки кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда маъмурий ишлар бўйича судга юборилган иш юзасидан қарорлар чиқарилгандан сўнг, ушбу иш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган ёки маъсул этиб тайинланган мансабдор шахс карточка ва билдиришномани ушбу Низомга мувофиқ электрон шаклда (кейинги ўринларда электрон карточка ва электрон билдиришнома деб аталади) тўлдиради, сўнгра уларни белгиланган намунада бир нусхада қоғозга кўчиради (кейинги ўринларда қоғоз карточка ва қоғоз билдиришнома деб аталади) ва имзолайди.

17. Суд ва ваколатли органларнинг маъмурий жазони қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиб, маъмурий ишни тугатиш тўғрисида қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун давомида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган ваколатли органга юборилади.

18. Ваколатли органларнинг мансабдор шахслари суд қарорлари асосида карточка ва билдиришномани ушбу Низом талабларига мувофиқ қатъий равишда электрон шаклда тўлдиради, сўнгра уларни белгиланган намунада бир нусхада қоғозга кўчиради ва имзолайди.

19. Карточка ва билдиришномани имзолаган мансабдор шахс унинг ишончилиги, тўғри тўлдирилганлиги ҳамда уларни тақдим этишнинг ушбу Низомда белгиланган тартиби ва муддатларига риоя қилинганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

20. Карточка ва билдиришномалар ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмаларида ушбу Низомда белгиланган муддатларга мувофиқ сақланади.

Ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмалари мавжуд бўлмаган тақдирда маълумотларнинг идоравий базасини шакллантириш, карточка ва билдиришномаларни сақлаш ваколатли органнинг республика бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

21. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддаси тартибда огоҳлантириш эълон қилинганда, шунингдек, маъмурий иш ушбу кодекснинг 271-моддаси 7, 10, 11-бандларида назарда тутилган тартибда тугатилган ҳолларда ҳам карточка тўлдирилади. Ушбу кодекстеда белгиланган талаблар асосида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи бошқа ҳолатларда (Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 1-6, 8-9 бандлари) карточка тўлдирилмайди.

22. Ҳисобга олишнинг тўлиқлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органнинг барча бўғинлари ҳар чорақда бир марта (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-қунигача) тақдим этилган карточка ва билдиришномаларни тегишли ҳудудий бўлинмадаги маълумотларнинг идоравий базаси билан солиштиради. Солиштиришни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда ваколатли органнинг марказий бўлинмаси томонидан белгиланади.

23. Қуйидагилар Ички ишлар вазирлигининг ҳисобга олишни таъминлаш бўйича ваколатига киради:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимига онлайн режимида, “Фуқароларнинг биометрик ҳужжатлари электрон тизими” орқали маълумотлар асосида киритилишини шакллантириш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг ҳудудий базаларини шакллантириш ва юритиш бўйича ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш;

маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қайд этган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларнинг, электрон алоқа тармоғи орқали ягона марказлаштирилган ахборот тизимига киритилишини назорат қилиш;

ички ишлар органларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг сақланишини ва уларни рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ҳамда зарур ахборот олиш учун электрон тартибда масофадан туриб фойдаланишни таъминлаш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан жаримага тортиш тўғрисидаги қарор қабул қилингандан сўнг ундирилган жарима тўловлари автоматлаштирилган тарзда биллинг тизими орқали ягона марказлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиш тартибини назорат қилиш;

ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартибига риоя этилишини, шу жумладан, ҳар чоракда камида бир марта ваколатли органлар томонидан тақдим этилган маълумотлар юзасидан солиштириш ишларини ўтказиш ҳамда солиштирилгандан сўнг тафовутлар бўлса, ўша ҳудуд ваколатли органларига маълумотнома юборилишини таъминлаш.

24. Қуйидагилар ҳисобга олиш бўйича ваколатли органлар марказий ва ҳудудий бўлинмаларининг ваколатига киради:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш, маълумотларнинг идоравий базаларини шакллантириш ва юритиш, маълумотларни ички ишлар органларига белгиланган муддатларда тақдим этиш бўйича идоравий бўйсунувчи органлар (мансабдор шахслар) фаолиятини назорат қилиш;

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни сақлаш ва уларни руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлаш.

### **3-боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш**

25. Ваколатли органлар томонидан Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни ҳисобга олиш журнали (кейинги ўринларда Журнал деб аталади) ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

26. Журналга барча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар ёзилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилган тақдирда Журналнинг 6-устунида тегишли ёзув қайд этилади.

27. Журнал календарь йил бошидан эътиборан юритилади. Журнал тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб тикилган бўлиши керак. Охирги саҳифада ипнинг тикилган жойига<sup>о</sup> қоғоз елимланади, унга ваколатли орган муҳри туширилади ва унда ушбу орган раҳбари тасдиқлаган ишонч ёзуви бўлади.

28. Журналдаги барча ёзувлар аниқ, кўк ёки қора рангли сиёхлар (паста) билан қайд этилади. Унда ўчириб ёзишга, тузатишга ёки илгари қайд этилган ёзувларни тузатиш воситалари ёрдамида йўқотишга йўл қўйилмайди.

29. Зарур ҳолларда, хато қайд этилган ёзувлар илгари қайд этилган матнни аниқ ўқиш мумкин бўлган ҳолда ўчирилади. Янги ёзув айнан шу устунда қайд этилади. Бунда Журнални юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахс тузатиш ва ўзгартириш киритган санани кўрсатиб, имзоси билан тасдиқлайди.

30. Журнал 3 йил сақланади, сўнгра далолатномага мувофиқ йўқ қилинади.

31. Журнални сақлаш, ундаги маълумотларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли қайд этилганлиги учун жавобгарлик ҳисобга олиш-рўйхатдан ўтказиш бўлимлари бошлиқлари ёки уларнинг ўрнини босувчи мансабдор шахслар зиммасига юкланади.

#### **4-боб. Ҳисобга олиш ҳужжатлари билан ишлаш**

32. Ваколатли органларнинг барча бўғинлари (туман, шаҳар, вилоят, республика бўғини) 1, 2 ва 3-шакллардаги электрон карточкаларни қарор чиқарилгандан ёки тушгандан сўнг бир кун мобайнида маълумотларнинг идоровий базасига киритади.

33. Қоғоз карточкалар ҳар ўн кунда - ҳар ойнинг 10, 20 ва 30-кунида ваколатли органнинг ҳудудий бўлинмасига юборилади. Агар, кўрсатиб ўтилган саналар дам олиш, байрам кунларига тўғри келса, карточкалар кейинги биринчи иш кунида юборилади.

34. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар тўлдирилган карточкаларни ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ маълумотларнинг идоровий базасига киритиш учун туман (шаҳар бўғини) ички ишлар органларига юборадилар.

35. Ушбу Низом талабларига мувофиқ карточкалар тўлиқ тўлдирилмаганлиги аниқланса улар дарҳол ваколатли орган томонидан тузатилади. Тузатилган қоғоз карточкалардаги маълумотлар, мажбурий равишда ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ маълумотларнинг идоровий базасига киритилади.

36. Ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳар куни, янги маълумотлар бўлмаган тақдирда, уларнинг идоровий базага тушишига қараб, электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатади.

37. Ваколатли органда ҳудудий бўлинмалар бўлмаган тақдирда, электрон карточкаларни маълумотларнинг ҳудудий базасига жўнатиш ушбу органнинг марказий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

38. Ички ишлар бошқармалари ҳар куни электрон карточкаларни маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимига жўнатади.

Ваколатли мансабдор шахс томонидан маъмурий жазога тортиш тўғрисида қарор чиқарилгандан сўнг уни бир кун давомида автоматлаштирилган ахборот тизимидан хос рақамни олиш учун марказлаштирилган маълумотлар базасига киритади. Олинган хос рақамдан тўлов тизимини амалга оширишда шахснинг идентификация реквизити сифатида фойдаланилади.

39. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар жазони ижро этиш тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида сақланади. Сақлаш муддати тугагач электрон карточкалар маълумотлар базасидан чиқарилади, карточкалари чиқарилган шахслар тўғрисида қисқача маълумотлардан иборат бўлган ҳисобот ёзилади. Айни бир вақтда қоғоз карточкалар ва билдиришномалар далолатнома бўйича, йўқ қилинган ҳисобга олиш ҳужжатларининг умумий сони кўрсатилган ва ҳисоботга асосланган ҳолда йўқ



қилинади. Йўқ қилинганлик тўғрисидаги ҳисоботлар ва далолатномалар 3 йил сақланади.

40. 2-шаклдаги карточка Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 283-моддасига мувофиқ ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида жарима солинган тақдирда тузилади.

### **5-боб. Маълумотларнинг ягона базасига мурожаат қилиш тартиби**

41. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг ягона марказлаштирилган базасидаги маълумотлар фойдаланиш чекланган ахборот тизими ҳисобланади, улардан фақат ваколатга эга бўлган шахслар танишиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

42. Шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этгани учун жавобгарликка тортишда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортишда шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилгани ёки тортилмаганини аниқлаш мақсадида талабнома тўлдирилиб, ваколатли органга текшириш учун жўнатилиши шарт (ушбу Низомга 10-илова).

43. Талабнома текшириляётган ҳар бир шахс учун алоҳида расмийлаштирилади.

Талабнома ушбу Низом талабларига мувофиқ ҳолда тўлдирилади, ваколатли мансабдор шахс томонидан электрон рақамли имзо билан имзоланади ва ваколатли орган муҳри (электрон штампи) билан тасдиқланади.

44. Электрон алоқа мавжуд бўлган тақдирда талабнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланадиган автоматлаштирилган электрон шаклда бажарилади.

45. Маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар бўйича жавобгарликка тортилган шахслар тўғрисидаги маълумотларни текшириш ҳамда зарур ахборот олиш учун электрон тартибда масофадан туриб фойдаланишга йўл қўйилади.

46. Ягона марказлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланиб шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганини (ёки тортилмаганини) текширган ваколатли орган текширилган шахс ҳақидаги маълумотлардан ғайриқонуний равишда фойдаланганлиги ёки ошкор қилганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

47. Ваколатли органлар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизимига уланган, масъул бўлган мансабдор шахсга электрон рақамли имзо бириктирилган бўлса, тушган сўровнома ва талабномалар текширилади, натижаси бўйича электрон шаклдаги штамп қўйилади ва текшириш санаси кўрсатилиб, мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланади.

48. Талабномани расмийлаштиришда текшириляётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ҳамда яшаш жойи бош келишиқда, қисқартиришларсиз аниқ қилиб кўрсатилади.

49. Ушбу Низомни бузган ҳолда расмийлаштирилган талабнома ижро этилмасдан ташаббус кўрсатган органларга қайтарилади ва бу ҳақда талабномада тегишли ёзув қайд этилади.

50. Талабнома Ички ишлар органларига тушган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида ижро этилади ва сўровномани юборган органга почта орқали жўнатилади ёки шахсан тақдим этилади.

51. Маълумотлар базасида текширилаётган шахсга оид маълумот бўлмаса, талабноманинг орқа томонига “Маъмурий жазога тортилган шахслар тизимида маълумотлар мавжуд эмас”, “Маълумотнома Ички ишлар вазирлиги ходимининг электрон калити ёрдамида текширилиб берилди” ёзув билан талабномага электрон равишда штамп қўйилади ва текшириш санаси имзо билан тасдиқланади.

52. Ҳисобга олиш ҳужжатида текширилаётган шахсга доир маълумотлар топилганда, улар талабноманинг орқа томонида кўрсатилади ва “Маълумотнома Ички ишлар вазирлиги ходимининг электрон калити ёрдамида текширилиб берилди” матни ёзилиб, электрон равишда штамп билан тасдиқланади ва текшириш санаси қайд этилади.

### **6-боб. Ҳисоботларни юритиш ва тақдим этиш тартиби**

53. Ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 6-иловага мувофиқ ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ умумлаштирилиб, ҳар ойнинг 5 - кунигача ваколатли органнинг марказий бўлинмасига ўз ҳисоботларини тақдим этади.

54. Ваколатли органнинг марказий бўлинмаси ушбу умумлаштирилган ҳисоботларни ҳар ойнинг 10 - кунигача Ички ишлар вазирлигига тақдим этади.

55. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар ҳар ойнинг 10 - кунда Ички ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда маълумотларнинг ягона марказлаштирилган ахборот тизими билан солиштириш ишларини амалга ошириши шарт. Солиштириш жараёнида маълумотлар тўлиқ ёки сифатсиз тақдим этилганлиги аниқланган ҳолларда Ички ишлар вазирлиги ваколатли орган раҳбарига тақдимнома киритади. Тақдимномада кўрсатилган камчиликлар 10 кун мобайнида бартараф қилиниши шарт.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

56. Ягона марказлаштирилган ахборот тизимидаги маълумотлар жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқлигини эътиборга олиб масъул ходим уларни учинчи шахсларга ошкор этиши оқибатида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига олиб келган ёки ушбу маълумотлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилган ҳолатларда, шунингдек, ушбу Низом талабларини бузган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

57. Ушбу Низомга риоя қилиниши устидан назоратни ички ишлар органлари амалга оширади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар  
ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан  
маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар  
етказилган шахсларни марказлаштирилган  
ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ҳисобга олиш  
КАРТЧКАСИ**

1- шакл

1. _____ (баённома тузган, иш кўзгаган органнинг номи)	1. / / / /
2. _____ (ҳуқуқбузарлик содир этилган жой)	2. / / / / / /
3. _____ (ишни/ баённомани кўриб чиққан ваколатли орган)	3. / / / /
4. _____ (Журнал бўйича ишни рўйхатдан ўтказиш/баённома тартиб раками)	4. /
4.1. Баённома тузилган/иш кўзгазилган сана: _____ йил « _____ » _____	
5. _____ (ишни кўриб чиққан шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)	7.1. / /
6. Иш кўриб чиқилган сана: _____ йил « _____ » _____	
7. Карточкага тузатиш киритилган сана: _____ йил « _____ » _____	
7.1. Тузатиш киритиш сабаблари: «1» - тўлдиришдаги хато; «2» - қарорни қайта кўриб чиқиш	
8. Ҳуқуқбузарликнинг квалификацияси: МЖТК _____ қисми _____ -моддаси	
8.1. Ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган сана): _____ йил « _____ » _____	
9. Маъмурий жазо чоралари (МЖТКнинг 23, 24-моддалари):	
9.1. асосийлари: «1» - жарима; «2» - предметни унинг ҳақини тўлаш шarti билан олиб кўйиш; «3» - предметни мусодара қилиш; «4» - махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш; «5» - маъмурий қамоққа олиш.	9.1. / /
9.2. муддати: _____ йил « _____ » _____ гача	
9.3. қўшимча равишда: «2» - предметни унинг ҳақини тўлаш шarti билан олиб кўйиш; «3» - предметни мусодара қилиш;	9.3. / /
9.4. хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан маъмурий чиқариб юбориш – «6»;	9.4. / /
9.5. маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг огоҳлантирилганлиги – «7»;	9.5. / /
9.6. МЖТКнинг 308 <sup>1</sup> -моддасига асосан кўриб чиқиш учун судга юборилди – «8»;	9.6. / /
9.7. МЖТКнинг 310-моддасига асосан иш юритишни тугатиш – «9»;	9.7. / /
9.8. МЖТКнинг 271-моддасига асосан иш юритишни истисно этувчи ҳолатларда – «10».	9.8. / / /
10. Жарима миқдори:	
10.1. қўлланилгани: _____ сўм;	
10.2. ундирилгани: _____ сўм.	
11. Предметнинг қиймати:	
11.1. ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйилганлиги: _____ сўм.	
11.2. мусодара қилинганлиги: _____ сўм.	
11. Етказилган зарар миқдори:	
11.3. белгилангани: _____ сўм.	
11.4. ундирилгани: _____ сўм.	
12. _____ _____ (ҳуқуқбузарликни содир этган шахснинг Ф.И.О.)	
12.1. Туғилган санаси: _____ йил « _____ » _____	
12.2. _____	

(хуқуқбузарликни содир этган шахснинг яшаш жойи)	
12.3. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» - паспорт, «2» - фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «3» - ҳайдовчилик гувоҳномаси, «4» - ҳарбий гувоҳнома ёки шахсини тасдиқловчи гувоҳнома N _____ йил «__» _____ да берилган.  _____  _____  (ким томонидан берилган)	12.3. / /
12.4. Солиқ тўловчининг идентификация рақами: _____	
12.5. Хуқуқбузарнинг жинси : «1» - эркак.; «2» - аёл.	12.5. / /
12.6. Фуқаролиги: «1» - Ўзбекистон фуқароси; «2» - хорижий фуқаро; «3» - фуқаролиги бўлмаган шахс.	12.6. / /
12.7. Машғулотларининг тури: «1»-иш, «2»-умумий ўрта таълим муассасаси ўқувчиси, «3»- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ўқувчиси, «4»-олий таълим муассасаси талабаси, «5»-машғулотининг тури ноаниқ Ўқиш, иш жойи, лавозими: _____  _____	12.7. / /
12.8. Мастлик ҳолатидалиги: «1» - алкогольли; «2» - гиёҳвандлик; «3» - бошқача мастлик.	12.8. / /
13. Қарор: «1» - шикоят билдирилган; «2» - протест билдирилган.	13. / /
13.1. Шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижаси: «1» - қарор ўзгаришсиз қолдирилган; «2» - иш янгидан кўриб чиқиш учун жўнатилган; «3» - ишни кўриб чиқиш тугатилган; «4» - жазо чораси ўзгартирилган.	13.1. / /
14. _____ йил «__» _____ (иш кўриб чиқилган сана ва кўриб чиққан шахснинг имзоси)	

### 1-шаклдаги электрон карточкани тўлдириш тартиби

1-шаклдаги электрон карточкани тўлдириш «Маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси» реқвизитлари билан бошланади.

1 ва 3-сатрларда хуқуқбузарликни аниқлаган (баённома тузган, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғаган), шунингдек, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиққан ва қарор чиқарган ваколатли органнинг (мансабдор шахснинг) номи кўрсатилади, ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ уларнинг коди қайд этилади.

Агар, маъмурий хуқуқбузарликни аниқлаган (баённома тузган, хуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғаган), шунингдек, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни/баённомани кўриб чиққан ва қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) айнан битта орган бўлса, 3-сатр тўлдирилмайди.

«Хуқуқбузарлик содир этилган жой» деб номланган 2-сатрда аҳоли пункти, туман, шаҳар, вилоят (республика) номи кўрсатилади, минтақа коди қайд этилади (ушбу Низомга 9-илова).

4-сатрда ваколатли орган Журнали бўйича ишни рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ёки маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тартиб рақами ва иш қўзғатилган/тузилган сана кўрсатилади.

Агар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 272-моддасига ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 86-моддаси учинчи қисмига мувофиқ маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмаган бўлса, у ҳолда «иш/баённома/тартиб рақами» устунига Б/Т («баённома тузилмаган» сўзлари) ёзилади.

5-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиққан ва қарор чиқарган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими, 6-сатрда иш кўриб чиқилган сана, 7-сатрда - карточкага тузатиш киритилган сана, 7.1-сатрда тузатиш киритиш сабаби: «1» - тўлдиришдаги хато; «2» - қарор қайта кўриб чиқилган сўзлари қайд этилади.

8-сатрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс нормалари бўйича ҳуқуқбузарликнинг квалификацияси кўрсатилади.

8.1-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган (аниқланган) сана акс эттирилади.

9-сатрда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23 ва 24-моддаларига мувофиқ маъмурий жазо чоралари акс эттирилади.

9.1-сатрда қуйидаги кодларни қўйиш йўли билан асосий жазо чоралари кўрсатилади:

«1» - жарима;

«2» - маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш учун қурол ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган предметни унинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

«3» - маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки шундай нарса бўлган предметни мусодара қилиш;

«4» - мазкур шахсга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш;

«5» - маъмурий қамокқа олиш.

9.2-сатрда жазони ижро этиш тугаган сана кўрсатилади.

Агар кўшимча жазо сифатида предметларни уларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш қўлланса, унга мувофиқ бўлган код 9.3-сатрга қўйилади. 9.4-сатрда «6» кодини қўйиш йўли билан хорижий фуқароларни ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни мамлакатдан маъмурий тартибда чиқариб юбориш кўрсатилади.

9.5.-сатрда «7»-кодни қўйиш йўли билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс огоҳлантирилганлиги кўрсатилади.

Агар ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддалар санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақидаги хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома судга юборилади.

9.6.-сатрда «8»-кодни қўйиш йўли билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс МЖТКнинг 308<sup>1</sup>-моддасига асосан кўриб чиқиш учун судга юборилди деб кўрсатилади.

9.7.-сатрда «9»-кодни қўйиш йўли билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан МЖТКнинг 310-моддасида белгиланган ҳолатлар асосида иш юритишнинг тугатилгани кўрсатилади.

9.8.-сатрда «10»-кодни қўйиш йўли билан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан МЖТКнинг 271-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар кўрсатилади.

10.1 ва 10.2-сатрларда ёзилган ва ундирилган жарима миқдори сўмларда, 11.1 ва 11.2-сатрларда тегишли равишда ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилган ва мусодара қилинган предмет қиймати ҳамда 11.3 ва 11.4-сатрларда ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида етказилган зарар миқдори кўрсатилади.

12-сатрда маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахс тўғрисидаги маълумотлар - фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек, қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

12.1 ва 12.2-сатрларда - ҳуқуқбузарнинг туғилган санаси, оғи, йили ва яшаш жойи (қисқартирмасдан);

12.3-сатрда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат: «1» - паспорт, «2» - фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси, «3» - ҳайдовчилик гувоҳномаси, «4» - ҳарбий гувоҳномаси ёки шахсини тасдиқловчи гувоҳнома;

12.4-сатрда - солиқ тўловчининг идентификация тартиб рақами;

12.5-сатрда - ҳуқуқбузарнинг жинси: «1» - эркак, «2» - аёл;

12.6-сатрда - ҳуқуқбузарнинг фуқаролиги: «1»-Ўзбекистон Республикаси фуқароси, «2» - хорижий фуқаро, «3» - фуқаролиги бўлмаган шахс;

